

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 33-ҳадис

33 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَالَ: مَنْ عَادَى لِي وَلِيًّا، فَقَدْ آذَنْتُهُ بِالْحَرْبِ، وَمَا تَقَرَّبَ إِلَيَّ عَبْدِي بِشَيْءٍ أَحَبَّ إِلَيَّ مِمَّا افْتَرَضْتُ عَلَيْهِ، وَمَا يَزَالُ عَبْدِي يَتَقَرَّبُ إِلَيَّ بِالنَّوَافِلِ حَتَّى أُحِبَّهُ، فَإِذَا أَحْبَبْتُهُ، كُنْتُ سَمْعَهُ الَّذِي يَسْمَعُ بِهِ، وَبَصَرَهُ الَّذِي يُبْصِرُ بِهِ، وَيَدَهُ الَّتِي يَبْطِشُ بِهَا، وَرِجْلَهُ الَّتِي يَمْشِي بِهَا وَإِنْ سَأَلَنِي أَعْطَيْتُهُ، وَلَئِنْ اسْتَعَاذَنِي لِأُعِيدَنَّهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ шундай дейди: «Ким Менинг валийимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам унга фарз қилган нарсаларимдан кўра суюклироқ нарса билан Менга яқинлашмайди. Бандам Менга нафллари билан яқинлашаверади ва ниҳоят Мен уни яхши кўриб қоламан. Қачон Мен уни яхши кўрсам, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли, юрадиган оёғи бўламан. Мендан сўраса, унга албатта беражакман. Мендан паноҳ тиласа, уни албатта паноҳимга оламан.

Имом Бухорий ривоятлари.

Шарҳ: Эй димоғдор ва золим кимсалар! Аллоҳнинг дўстларига озор беришдан ҳазир бўлинглар. Ким Аллоҳнинг дўстлари, авлиёларига душманлик қилса, Аллоҳ таоло уларни мудофаа қилиш ва уларга қарши туриш кафолатини бергандир. Банда Роббисига яқин бўладиган нарсаларнинг энг маҳбуби - фарз амаллардир. Агар фарзга қўшимча равишда нафл рўза, нафл намоз ва нафл садақаларни кўпайтирса, Аллоҳ таоло у бандани яхши кўради. Энди банда фарз амалларга қўшимча равишда нафл ибодатларни кўпайтиргани сабабли Аллоҳнинг муҳаббатига ноил бўлса, у банда Аллоҳнинг нури билан кўриб, эшитадиган бўлиб қолади. Сўраган нарсаси ижобат, паноҳ тилаган нарсаси учун паноҳ ато қилиниб, доимо Аллоҳнинг ҳимоясида бўлади.

## Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Аллоҳнинг дўстлари бўлмиш валийларга душманлик қилишдан ҳазир бўлиш.
2. Банда фарзларни адо этгани учун Аллоҳ таоло унга яқинлашади.
3. Нафл ибодатларни кўпайтириш бандани Аллоҳ муҳаббатига эришиш воситасидир.
4. Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўрса, тана аъзоларини хатодан сақлаб қўяди.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUYYAT MARVARIDLARI